

## ЖИНОЯТЧИ ШАХСЛАРНИ ФОШ ЭТИШДА ПРОФАЙЛИНГНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шомирзаев Саходулла Хасанбоевич*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки  
тергов ва суриштирув кафедраси доценти, ТДЮУ мустақил изланувчиси*

Жиноятчи шахсларнинг аниқлашда, шунингдек уларни гумон қилинувчи сифатида ушлаш ва сўроқ қилиш вақтида профайлингни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки жиноятчи шахслар кечинмаларининг психологик ифодаси унинг ҳолатида, нутқида ва ҳаракатларида вербал ва новербал белгилар шаклида акс этади. Буни эса, албатта, профайлинг методи орқали аниқлаш мумкин.

Жиноятчини аниқлаш, унинг психологик шахсини фош этиш учун профайлингнинг моҳиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини тушуниб етиш лозим. Жумладан, **профайлинг кўйидаги бир қатор хусусиятларга эга:**

Биринчидан, профайлинг таркибига хавф туғдириш эҳтимоли бўлган шахслар хатти-ҳаракатини кузатиш, уларга саволлар бериш, экспресс-психодиагностика қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги нормадан оғишларни қайд этиш ҳамда уларни ўрганишга қаратилган бошқа ҳаракатлар киритилади. Бу хусусият орқали терговчи ёки суриштирувчи ўз иш юритувидаги иш бўйича жиноятчи шахсни визуал кузатиши, муайян стратегия асосида саволлар тизимидан фойдаланиши, натижаси юзасидан тегишли диагнозга эга бўлишини мумкин.

Иккинчидан эса профайлингнинг мантиқий схемасида ғайриқонуний аралашуш ҳаракатларини тайёрлаш чоғида хавф туғдириши мумкин бўлган шахсларнинг ҳаракатлари моделини тузиш, бундай ҳаракатларни тайёрлаш белгиларини аниқлаш, хавф туғдириши мумкин бўлган типлар, яъни профиллар, янада кенгроқ қилиб тушунтирилганда, муайян турдаги жиноий хатти-ҳаракатларнинг содир этиши тахмин қилинган ижрочиларнинг таснифини яратиш, кузатув ҳудудидаги ҳар бир шахснинг мақомини режалаштириладиган ғайриқонуний аралашув ҳаракатига алоқадорлиги эҳтимоллиги нуқтаи назаридан аниқлаш, ҳар бир шахсни муайян типга ёки профилга киритиш, яъни профиллаш лозим бўлади. Профиллаш профайлинг тизимидаги амалий иш бўлиб, бу ўз ўрнида жиноятчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, профайлингни амалга ошириш учун визуал психодиагностика, диагностик экспресс-суҳбат, нейролингвистик дастурлаш методлари, тезкор-қидирув фаолиятининг айрим усуллари эгаллаган юқори даражадаги тайёргарликка эга мутахассислар жалб этилади. Демак, профайлингни қўллаш

самараси ҳам психологик, ҳам оператив жиҳатдан билим, малака ва тажрибанинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Шахсларнинг визуал-хулқий типи, яъни профилини психологик тавсифлаш уни қўллаш вариантларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай профилга ўз ичига устунлик қилувчи кийим кийиш услуби, кайфиятлар, ўзаро муносабатлар характери, ҳаракатлар динамикаси ва амплитудаси тавсифи кабилар киради.

Мисол учун, АҚШда ўта шафқатсизлик билан, яъни танани қисмларга ажратган ҳолда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўтказилганда, олдинги содир этилган жиноятларни таққослаш натижасида мутахассислар профайлинг методидан фойдаланиб, гумон қилинувчи тўғрисида қуйидаги хулоса келганлар:

Гумон қилинувчи оқ танли шахс, эркак, ёши тахминан 25-27лар чамасида, озғин, яхши овқатланмайди, уйланмаган, бўйдоқ, дўстлари ва яқин инсонлари бўлмаган, уйда доимо бетартиблик билан яшайди, авваллари психиатрда даволанган бўлиши, ишсиз, ногиронлик бўйича нафақа олишимкин, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши мумкин, армия сафида хизмат қилмаган, ўқишни барвақт ташлаб кетган, руҳий зўриқишга, психозга учраган.

Гумон қилинаётган жиноятчининг тахминий психологик портрети шундай тузилган, ушбу маълумотлар орқали бир неча ҳафтадан сўнг “қонхўр” Ричард Шаз исмли шахс қўлга олиниб, психологик портрет тўғри бўлиб чиққан. Унга асосланган ҳолда мантиқий боғланиш тизими ишлаб чиқилган:

**Эркак:**

жинсий характердаги қотилликни одатда эркаклар содир этишади.

**Оқ танли инсон:**

одатда, жабрланувчи қандай бўлса, жиноятчи ҳам шу типдаги шахс ҳисобланади.

**Ёши 25-27:**

Жиноят содир этилиши характерига кўра қотил психоз касаллигига мубтало бўлган, сабаби бу касаллик одатда ўсмирлик ёшида юзага келади ва тахминан ўн йилларда ўтиб кетиши керак.

**Озғин:**

Кўпгина психоз касаллиги билан чалинган беморлар нотўғри ва ёмон овқатланадилар;

**Бўйдоқ:**

Бундай касалликка чалинган инсонлар, одатда, шахсий гигиена қоидаларига риоя этмайдилар ва ташқи кўринишларига эътибор бермайдилар.

**Армияда хизмат қилмаган:**

Сабаби, соғлиғи бунга йўл қўймаган.

**Ўқишни барвақт ташлаб кетган:**

Соғлиғи туфайли, синфида шахслараро муносабатларнинг ёмонлиғи, яқин дўстининг йўқлиғи туфайли ташлаб кетган.

**Ишсиз:**

Доимий иш топа олмаганлиғи учун нафақа ёки давлат томонидан бериладиган ёрдам пулига кун кечиради. Машина ҳайдашга ҳам яроқсиз. Мантиқий хулоса қилиш мумкинки, жиноятчи ҳам жабрланувчи яшаган худудга яқин жойда яшаган.

Юқорида келтирилган психологик портрет бевосита айнан Америка маданияти, яшаш ва турмуш шароитидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Шу сабабли психолог томонидан яратилаётган ҳар бир психологик портрет этнопсихологик хусусиятларни ҳам инобатга олиши зарур бўлади.

Россиянинг Ростов-на-Дону шаҳрида психиатр Александр Бухановский мантиқий қарашлари ёрдамида ҳам машҳур Чикатилонинг ҳам психологик портрети яратилган ва айнан А.Бухановский таъсири остида Чикатило тергов давомида кўрсатувларни тўлиқ бера бошлаган.

МДХ худудида, хусусан, Россия Федерациясида профайлинг методини қўллашни аввалдан ҳеч ким инкор этмаган. Бу худудда асосан ушбу методдан махсус хизмат ходимлари чет эллик меҳмонларнинг психологик портретини яратишда фойдаланишган. Бугунги кунда психология тергов жараёнида бир қанча оғир жиноятларни фош этишга кўмак бера олади. Бир неча йиллар аввал Россияда психологик портретни яратишга кўмак берувчи “Монстр” номли автоматлаштирилган ахборот – қидирув тизимини ишлаб чиқишди.

Профайлинг методини қўллашда нисбатан янги йўналиш бўлганлиғи учун унинг бир неча босқичларга бўлиниши юзасидан олимлар турли фикр-мулоҳаза юритадилар. Жумладан, АҚШ ва Буюк Британия мутахассислари кузатиш ва сўраб-суриштириш босқичларига бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида техникасини ўрганадилар. Шахсларни кузатишда уларнинг ўзини тутиши, ҳаракатлари, мимикаси, нигоҳлари ва атрофдагиларга нисбатан муносабати муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда кузатиш босқичида самарадорликка учта асосий омил таъсир қилади:

- *Интуиция, бунини сенсор сезувчанлик ҳам деб номлашади, соддароқ қилиб тушунтирилса, Худо берган ички туғма қобилият, бунда ушбу методни қўллаётган ходимнинг кўнгли сезади, ички ҳиссиёти орқали аниқлай олади;*

- *Кўникма ва тажриба, яъни айрим ходимларнинг бир йўналишда бир худудда кўп йиллар ишлаши натижасида унда ўша жойдаги сир-асрорлардан хабардор бўлиши, жиноятни кимлар қайси усулларда содир этишига оид кўникмалар шаклланган бўлади.*

- *Билим ва дунёқарашнинг кенг эканлиги.* Ушбу омил учинчи ўринда бўлса ҳам, қолган иккита омил мавжуд бўлмасада, ўз билимига ишонган ва дунёқараши кенг бўлган ходим ҳар қандай соҳада универсал ходим сифатида ўзини кўрсата олади. Профайлинг методини қўллашда муваффақиятга эриша олади.

Профайлинг методининг сўраб-суриштириш (интервью) босқичининг ўзига хос техникаси мавжуд. **Бу босқич** гумон қилинаётган шахсни содир этилган жиноятга алоқадорлигини ажратиб берувчи шубҳали белгиларни бартараф этиш ёки тасдиқлашга йўналтирилган жараёндр. Шунинг учун ҳам профайлинг методи гумон қилинувчиларни сўроқ қилишда терговчи ёки суриштирувчи учун жуда қўл келади. Профайлингнинг сўраб-суриштириш босқичи кузатиш натижасида келиб чиққан шубҳалар ва шу асосда берилиши мумкин бўлган саволлар орқали олиб борилади. Сўраб-суриштириш самарали бўлиши учун сўроқ қилинувчининг ўзи ходимга ҳамкорлик кўрсатиши, яъни низосиз вазиятда бўлиши, саволлар муайян тизим асосида берилиши, сўроқ қилинувчининг жавоб беришдаги реакцияларини ходим идрок қила билиши, сўроқ самимий суҳбат шаклида ўтказилиши, бу суҳбатнинг узлуксиз бўлишини таъминлаш, берилаётган жавоблардан келиб чиқиб савол бера олиш зарур бўлади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Профайлинг в деятельности органов внутренних дел: Учебное пособие / Под ред. В.Л. Цветкова. – М., 2014.
2. М.С.Қодиров. Божхона профайлинги. Ўқув қўлланма. — Т. :БИ, 2022.
3. Профайлинг как средство раскрытия и расследования преступлений. Н.А.Вереника (<https://cyberleninka.ru>)
4. Александр Лукин о методах получения признания (<https://blog.studyie.ru>)
5. Criminal Profiling – A Viable Investigative Tool Against Violent Crime. J.E.Douglas. (<https://www.ojp.gov>)